



# MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



## Телекоммуникация тизими корхоналари молиявий ҳисобот аудити натижаларини умумлаштириш хусусиятлари

**Хусанов Улугбек Нишанович**

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

Ёзишмалар учун электрон почта: [ulugbekx@gmail.com](mailto:ulugbekx@gmail.com)

Мақола ҳақида маълумот

Аннотация

Топширилган вақти: 05.11.2022

Қабул қилинган вақти: 19.11.2022

**Таянч сўз ва иборалар:**

Телекоммуникация тизими аудити натижалари, аудит ҳисоботлари, аудит хулосалари, молиявий ҳисобот аудити, молиявий ҳисоботни бузиб кўрсатиш, муҳимлик даражаси, жавобгарлик ва мажбуриятлар, корпоратив бошқарув, аудитор фикри.

Мақолада телекоммуникация тизими корхоналари молиявий ҳисобот аудити натижаларини умумлаштиришга доир талаблар, эътибор қилиниши лозим бўлган жиҳатлар илмий асосланган. Телекоммуникация тизими корхоналари молиявий ҳисобот аудитида кўп кузатиладиган камчиликлар бир тизимга келтирилган. Молиявий ҳисобот аудити натижалари бўйича корхонага тақдим этиладиган хат мазмуни ва унинг таркибий қисмлари тавсифи умумлаштирилиб, аудит ҳисоботларининг сифатини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

## Characteristics of summarizing the results of financial statement audit of telecommunication system enterprises

**Khusanov Ulugbek Nishanovich**

Independent researcher of Tashkent Financial Institute

e-mail for corresponding the author: [ulugbekx@gmail.com](mailto:ulugbekx@gmail.com)

ARTICLE INFO

Abstract

Received: 05.11.2022

Accepted: 19.11.2022

**Key words:** Telecommunication system audit results, audit reports, audit conclusions, financial statement audit, financial statement misstatement, level of materiality, responsibilities and obligations, corporate governance, auditor's opinion.

In the article, the requirements for summarizing the results of the audit of financial statements of telecommunications system enterprises, the aspects that should be taken into account are scientifically based. Most observed shortcomings in the audit of financial statements of telecommunications system enterprises are brought to one system. The content of the letter submitted to the company based on the results of the financial statement audit and the description of its components were summarized, and suggestions and recommendations were developed to improve the quality of the audit reports.

### Кириш

Маълумки, хўжалик юритувчи субъект томонидан аудиторлик текширувини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад – хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби фаолиятининг қонунийлиги ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиги

тўғрисидаги ахборотларни шакллантиришдан иборатдир. Ушбу ахборотлар эса нафақат хўжалик юритувчи субъект ички фаолияти учун, балки корхонага ташқи ва ички молия бозорларидан хорижий инвесторлар орқали молиявий ресурсларни жалб этиш имкониятлари очилиши мумкин. Бу эса маҳсулот (иш, хизмат) таннархи ва сифатини харидор

ва буюртмачилар талабларига мослаштириш, рақобатбардош маҳсулот (иш, хизмат)ни яратиш ҳисобига халқаро бозорга чиқиш имкониятларини ҳосил қилади. Ушбу яратилган имкониятлардан самарали фойдаланилиши натижасида тўғридан-тўғри хорижий сармоялар, хорижий молия ташкилотлари маблағларидан қўшимча шартларсиз (давлат, банк ва чет эл инвесторлари кафолатларисиз) фойдаланишга эришиш мумкин бўлади.

Ушбу мақсадда давлатимиз томонидан корхоналар молиявий фаолият натижаларини асословчи расмий ҳужжат яъни молиявий ҳисоботларни халқаро меъёрлар талаблари асосида шакллантириш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарори талабларига мувофиқ “акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи юридик шахслар 2021 йилдан бошлаб ҳисоб юритиш ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида шакллантириш”лари қонун йўли билан қатъий белгилаб қўйилди.[6] Молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантиришга бўлган эътиборни давлат даражасига кўтарилишининг асосий сабабини жуда оддий изоҳлаш мумкин яъни молиявий ҳисобот бу бизнес ва бухгалтерия тизимининг тилидир. Молиявий ҳисобот ахборотлари расман барча учун очиқ ҳисобланиб, бу ахборотлар хўжалик субъекти фаолиятининг шаффофлигини ҳамда халқаро молия ташкилотлари учун кредит рейтингини яратиш имкониятини таъминловчи асосий шартлардан биридир.

## Адабиётлар шарҳи

Телекоммуникация тизими корхоналарининг ҳисоб сиёсатини халқаро стандартларга трансформация қилиш жараёнида молиявий ҳисобот аудитини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Аудиторлик далилларни тўплаш жараёнинг назарий ҳамда услубий асосларини яратиш ҳамда уни такомиллаштириш бўйича кўплаб олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Жумладан, Б.А. Ҳасанов (2004) фикрига кўра, молиявий ҳисобот аудити натижаларини умумлаштиришда бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш зарур.

Б.Қ. Ҳамдамов (2007) таъкидлашича, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизими ва аудиторлик назоратини ривожлантиришда молиявий ҳисобот натижаларини аниқ ва шаффоф умумлаштириш мақсадга мувофиқ.

К.Р. Ҳотамов (2016) фикрича, молиявий ҳисобот аудити натижаларини умумлаштиришда билвосита солиқлар ҳисобини тузиш ва таҳлил этиш устувор масала ҳисобланади.

И.Н. Қўзиев (2017) ёндашуви бўйича, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш кучли методологик ёндашувни талаб қилади ва йиғма ҳужжатлар маълумотларининг ўзаро мувофиқлиги таъминланади.

И.И.Мелиевнинг (2019) қарашича, молиявий ҳисобот аудити натижаларини умумлаштиришда бухгалтерия счётлари қолдиқларининг тўғри ҳисобланиши муҳим ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги тадқиқотларда мавзуга оид умумий қарашлар келтирилган бўлсада, бироқ аудиторлик далилларни тўплаш масаласи алоҳида илмий тадқиқот объекти ва яхлит тизим сифатида ўрганилмаган. Бу эса мазкур мавзуда комплекс илмий изланишлар олиб бориш ва илмий-тадқиқот вазифаларини белгилашни тақозо этмоқда.

## Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида умумлаштириш, гуруҳлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, иқтисодий таҳлил усуллардан кенг фойдаланилган.

## Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Ўз навбатида, тайёрланган молиявий ҳисобот маълумотларини қанчалик ҳақиқатдаги амалий маълумотларга мувофиқлиги аудиторлик ташкилотлари томонидан баҳоланади ва уларнинг молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисидаги фикрлари кафолатланади. Аудиторлик фикри ишончилигини таъминлаш ва аудиторлик фаолиятини замонавий босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрда “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда Президент томонидан Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг амалдаги муаммолари ва мазкур фаолиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ушбу қарорда таъкидлаб ўтилган аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли жиҳатлардан бири сифатида “аудиторлик ташкилотларига ишонч даражаси паст, шунингдек, аудиторлик текширувига молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати эмас, балки ортиқча ва малол келадиган маъмурий тартиб-таомил сифатида...”[1] қаралаётганлиги таъкидланди. Мазкур қарорда Президентимиз томонидан белгилаб берилган аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширилишини қонун йўли билан мустаҳкамлаш мақсадида 2021 йил 25 февралда янги таҳрирда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги 9 боб ва 55 моддадан иборат бўлган ЎРҚ-677-сон Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки мазкур қонунда 24 марта “молиявий ҳисобот” атамаси ишлатилган бўлиб, бундан мазкур қонуннинг асосий мақсади молиявий ҳисобот

ишончилигини аниқлаш (баҳолаш) жараёнига бағишланганлигини ва қонуннинг моддаларининг асосий қисми молиявий ҳисобот аудитини тартибга солишга қаратилганлигини кўрсатади.

Маълумки Ўзбекистон амалиётида 2021 йил 25 февралдаги “аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677 сон Қонунига мувофиқ корхоналарнинг 2021 йил натижалари бўйича йиллик молиявий ҳисоботлари аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ хулоса шакллантирилиши белгилаб қўйилди ва 2022 йилда аудиторлик ташкилотлари томонидан тўлиқ аудитнинг халқаро стандартлари асосида ўтказилди. Шунингдек, 2021 йил 1 январдан эътиборан Президентнинг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611 сон Қарорига мувофиқ акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчи юридик шахслар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисоботларни

шакллантиришлари мажбурий тартиб сифатида белгиланди. Бироқ, 2022 йилда ПҚ-4611 сон қарорда белгиланган тоифадаги субъектларни мажбурий аудитдан ўтказишда айрим муаммолар кузатилди. Улар жумласига МХХСларда молиявий ҳисоботларни қандай шаклларда тайёрлаш ва фойдаланувчиларга тақдим этишнинг аниқ саналари кўрсатилмаганлиги боис, уларни “аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” қонунда белгиланган муддатларда мажбурий аудитдан ўтказилмаслигига жиддий таъсир этди.

Бу борада тадқиқот объекти ҳисобланган телекоммуникация тизими корхоналари амалиётида ҳам МХХС асосида молиявий ҳисоботни шакллантириш ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик хулосаларини шакллантиришда муаммолар мавжудлиги кузатилди. Бизнингча бугунги кунда телекоммуникация тизими корхоналари мажбурий аудиторлик текширувларида қуйидаги муаммолар мавжудлиги кузатилмоқда (1-жадвал).

#### 1-жадвал.

#### Телекоммуникация тизими корхоналари молиявий ҳисобот аудитида кўп кузатиладиган камчиликлар<sup>1</sup>

|   | Камчилик мазмуни                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
|---|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Корхона бухгалтерия ходимларининг бухгалтерия ҳисоби(МХХС)ни юритиш қоидаларини тўлиқ ўзлаштирмаганликлари(билим, малака ва амалий кўникма етишмаслиги (компетентлик даражасининг пастлиги))                                                                                                                                               |
| 2 | Корхонада экспорт-импорт операцияларни юритиш қоидаларига риоя этилмаслиги(экспорт-импорт бўйича валюта курсини қўллашдаги номувофиқликлар)                                                                                                                                                                                                |
| 3 | Корхона бухгалтерлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳисоб сиёсати қоидаларига риоя этилмаслиги ёки бухгалтерларнинг ҳисоб сиёсати қоидалари мазмуни ва аҳамиятини тушуниб етмасликлари, корхонада ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқни амалда ишлаб чиқилмаслиги оқибатида бу қоидаларни амалда ишламаслиги                        |
| 4 | Ҳисоб ходимлари томонидан корхонада амалга оширилган муомалаларни бухгалтерия счётлари ва ҳужжатларида тўғри, тўлиқ ҳамда ўз муддатида акс эттирилмаслиги(дастлабки ва йиғма ҳужжатлар маълумотларининг ўзаро номувофиқлиги, бухгалтерия счётлари қолдиқларининг нотўғри ҳисобланиши)                                                      |
| 5 | Корхона ички назорат тизимининг самарасиз фаолият кўрсатиши (ички аудит каби назорат бўлинмалари ва инвентаризатсия комиссияси фаолиятининг мавжуд эмаслиги ёки уларни амалда фаолият кўрсатмаслиги, аудиторлик ташкилотини жалб этишга ички аудиторлар муносабатининг пастлиги ёки улар фикрининг иноватга олинмаслиги)                   |
| 6 | Бухгалтерия бўлими фаолиятининг мавжуд имкониятларга қарамасдан автоматлаштирилмаганлиги, бухгалтерия ходимларининг бухгалтерия ҳисобини дастурий таъминот асосида юритишда малака ва амалий кўникманинг етишмаслиги                                                                                                                       |
| 7 | Корхона раҳбариятининг бухгалтерия ҳисоби жараёнига нисбатан эътиборсизлиги, малакали мутахассисларни етишмаслиги, бухгалтерия бўлими роли ва аҳамиятини тўлиқ англаб етмаслиги, бухгалтерия ҳисобига техник фаолият сифатида муносабатнинг шаклланганлиги                                                                                 |
| 8 | Бухгалтерия ҳисоби тизимида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари мезонларини жорий этилмаганлиги, корхонада замонавий бошқарув тизимини йўлга қўйилмаганлиги, бухгалтерия тизими учун малакали мутахассисларни жалб этилмаслиги (мутахассисларни моддий рағбатлантириш ва ҳисоб тизими моддий техник таъминоти даражасининг пастлиги) |

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган

|    |                                                                                                                                                                                                                                                 |
|----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 9  | Корхона раҳбариятининг аудиторлик текширувига нисбатан ортиқча ва аҳамиятсиз мажбурият сифатида қаралиши оқибатида корхонада аудитор фикрига эътиборсиз муносабатнинг шаклланганлиги                                                            |
| 10 | Корхона фаолият кўрсатадиган ҳудудда сифатли ва самарали аудиторлик хизматининг мавжуд эмаслиги ёки мавжуд аудиторлик хизмати сифатининг пастлиги                                                                                               |
| 11 | Корхона раҳбарияти(таъсисчилари, кузатув кенгаши) ва ҳамкорлари (харидор ва буюртмачилари, мол етказиб берувчи ва пудратчилари)нинг аудиторлик хизматидан манфаатдор бўлмасликлари ёки аудиторлик хизматидан амалда етарлича фойдаланмасликлари |
| 12 | Корхона ташқи молиявий ҳамкорлар билан алоқасининг паст даражада эканлиги (рейтинг ташкилотлари ва молия институтлари билан ҳамкорликнинг паст даражадалиги)                                                                                    |
| 13 | Корхонада корпоратив бошқарув усулларини жорий этилмаганлиги (кузатув кенгаши ёки таъсисчилар кенгашининг мавжуд эмаслиги,)                                                                                                                     |
| 14 | Телекоммуникация корхонаси мулкнинг давлат бошқарувида эканлиги, мазкур тизим молиявий ҳисобот маълумотларидан хорижий инвесторлар манфаатдорлигининг пастлиги                                                                                  |

Ўйлашмики юқоридаги муаммоларга жиддий эътибор қаратилиши, нафақат телекоммуникация тизими фаолиятини ижобий томонга ўзгартирилиши, балки, мазкур тизим молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар манфаатларини ҳимоя қилинишига ижобий таъсир этади.

Аудитор аудиторлик хулосасини шакллантиришда юқоридаги туркумлардаги ахборотларни ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларига кўра умумлаштириши ҳамда мазкур масалалар бўйича тўпланган далиллар маълумотларини аниқ мазмунда шакллантириш талаб этилади. Бугунги кунда Ўзбекистон амалиётида ҳўжалик юритувчи субъектлар айниқса тижорат банклари, йирик акциядорлик жамиятлари, суғурта ва лизинг компаниялари томонидан аудиторлик ташкилотларидан юқоридаги мазмундаги молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаларни олиниши натижасида уларни халқаро амалиётда Фитч Ратингс ва Стандарт & Поорс Глобал Ратингс халқаро рейтинг агентликлари орқали юқори рейтинглар асосида жаҳон бозорига чиқишида ва йирик молия-кредит ташкилотлари назарига тушиш имкониятлари ошмоқда. Бунда айниқса молиявий ҳисоботлари МХХС талаблари асосида шакллантирилган ва дунёнинг “катта тўртлик”га кирувчи аудиторлик компанияларининг ижобий аудиторлик хулосаси асосида эътироф этилган молиявий ҳисоботлар катта хорижий молиявий ҳамкорлар учун маълумот манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки амалдаги аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ текширув якунида аудитор фикрлари фақатгина аудиторлик хулосасида акс эттирилиши белгиланган. Бироқ, халқаро стандартларда аудиторлик хулосасида текширув натижалари тўғрисида батафсил маълумот акс эттирилиши бўйича аниқ талаблар белгиланмаган. Бу эса фикримизча, текширув буюртмачилари томонидан аудиторлик текшируви натижалари тўғрисида батафсил маълумот олиш имконини бермайди. Бироқ амалдаги 200 сон “Молиявий ҳисобот аудитини тартибга солишнинг мақсади ва умумий тамойиллари” номли стандарт ва 700 сон “Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботи (хулосаси)” номли халқаро стандартларда текширув натижалари қуйидаги туркумдаги маълумотларни ўз

ичига олиши белгиланган:

- Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлашда корхона раҳбариятининг мажбуриятлари тўғрисида баёнот;

- Мустақил аудиторларнинг ҳисоботлари;

- Аудитор фикрини асословчи маълумотлар тавсифи;

- Аудитнинг асосий (муҳим) масалалари мазмуни;

- Корпоратив бошқарув ва молиявий ҳисобот ишончилиги учун корхона раҳбариятининг жавобгарлиги;

- Молиявий ҳисобот ишончилигини баҳолашда аудиторлар жавобгарлиги тавсифи.

Юқорида таъкидланганидек, аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувини ташкил этиш учун илғор хориж тажрибасига мувофиқ аудитор фикрини шакллантиришни тақозо этади. Ўз навбатида аудитнинг халқаро стандартларида текширув натижалари бўйича аудитор фикри аудиторлик хулосаси ва аудиторлик ташкилоти томонидан мустақил тайёрланадиган ҳамда тавсиявий характердаги корхона раҳбариятига йўланадиган хатда акс эттирилади. Аудиторлик хизмати буюртмачисига йўланадиган мазкур хат аудиторлик текшируви натижалари асосида аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади. Амалдаги 700, 705, 706, 710 ва 720 сон аудитнинг халқаро стандартларида текширилаётган субъект раҳбариятига йўланадиган ушбу хатнинг шакл ва мазмуни кўрсатилмаган бўлиб, ушбу хат корхона раҳбарияти талабига кўра ёки аудиторлик ташкилоти томонидан мустақил равишда тақдим этилади.

Бизнингча Ўзбекистон аудиторлик амалиётида аксарият аудиторлик ташкилотлари аудиторлик хулосасини юқоридаги стандартларга мувофиқ тайёрлаб, корхоналарга тақдим этмоқдалар. Фикримизча корхона фаолиятининг қонунийлиги ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилиги юзасидан аудиторлик хулосаси мазмунини етарли эмас деб ҳисоблаймиз ҳамда хулосадан ташқари аудиторлик ташкилоти томонидан текширув натижалари бўйича маълумотнома шаклида хат тайёрланиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу хатда қуйидагилар кўрсатилиши лозим (2-жадвал).

### Молиявий ҳисобот аудити натижалари бўйича корхонага тақдим этиладиган хат мазмуни ва унинг таркибий қисмлари тавсифи

| Хат таркибий қисмлари |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                  |
|-----------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1                     | Аудитни режалаштириш ва бухгалтерия ҳисоби таҳлили тўғрисида маълумот;<br>2. Корхона ички назорат тизими ҳолати;<br>3. Фирибгарлик ва молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг молиявий ҳисоботга таъсири тўғрисида маълумот;<br>4. Инвентаризатсия;<br>5. Фаолият узлуксизлиги.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |
| 2                     | Корхона таъсисчилари ёки кузатув кенгашига текширув натижалари бўйича жўнатилаётган хатнинг қисқача мазмуни ва унинг таркиби тўғрисида қисқача маълумот                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 3                     | Аудиторлик текшувини режалаштириш, қўлланилган аудиторлик усуллари ва амаллари, ўрганилган молиявий кўрсаткичларнинг ишончлилиқ даражаси, мавжуд аудиторлик risks ва муҳимлик даражаси, корхона бухгалтерия ҳисобини ўрганиш натижалари тўғрисида таҳлилий маълумот                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
| 4                     | Корхона ички назорат тизимининг амалдаги таркиби ва ҳолати, қўлланилган ички назорат усуллари, корхона масъул шахсларининг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш ҳолати, ички назорат тизими маълумотларига раҳбарият муносабати, ички назорат тизими маълумотларининг ишончлилиқ даражаси ва улардан амалда фойдаланиш ҳолати, тизимнинг амалдаги самарадорлик даражаси тўғрисида маълумот ва тизимни мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
| 5                     | Корхона молиявий ҳисоботидаги бузиб кўрсатиш ва фирибгарликлар тўғрисида маълумот, фирибгарлик ва бузиб кўрсатишларни молиявий ҳисобот ишончлилиқига таъсири, уларнинг эҳтимолий даражаси (муҳимлиги), корхонада уларни камайтириш бўйича олиб борилган ишлар натижалари (ахлоқ меъёрлари, уларни камайтириш юзасидан қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар), молиявий ҳисоботидаги бузиб кўрсатиш ва фирибгарликлар бўйича аниқланган риск даражаси, мавжуд риск даражасини пасайтириш йўллари ёки унга қарши кураш бўйича корхонанинг амалдаги сиёсати тўғрисида маълумот, корхонада фирибгарлик ва молиявий ҳисоботни бузиб кўрсатишга йўл қўйганларга қўрилган чоралар тўғрисида маълумот, фирибгарлик ва молиявий ҳисоботни бузиб кўрсатишларни камайтириш бўйича тавсиялар |
| 6                     | Корхонада ўтказилган инвентаризатсия натижалари таҳлили, корхона дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили, инвентаризатсия натижаларини умумлаштириш ҳолати, инвентаризатсия натижаларининг молиявий ҳисобот кўрсаткичларига таъсири, инвентаризатсия натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ёки такрорланмаслиги юзасидан тавсиялар                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
| 7                     | Корхона фаолият узлуксизлигининг амалдаги ҳолати, корхона молиявий натижалари ва мажбуриятлари таҳлили, аниқланган узлуксизлик даражаси оқибатлари ёки мавжуд узлуксизлик risks, фаолият узлуксизлигини таъминлаш бўйича тавсиялар, корхона фаолият узлуксизлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ёки режалаштирилган вазифалар, корхона бошқарув стратегияси ва бошқалар                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |

Молиявий ҳисобот аудити натижалари бўйича юқоридаги мазмундаги каби мижоз-корхонага хат тайёрланиши аудиторлик хулосаси мазмунини очиб бериш ҳамда молиявий ҳисобот бўйича аудитор

### Хулоса ва таклифлар

Юқорида таъкидланганидек, аудиторлик текширувидан кўзланган мақсад молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ишончлилиги баҳолаш бўлиб, бу тўғрисидаги аудитор фикри аудиторлик хулосасида акс эттирилади. Маълумки аудиторлик хулосаси амалдаги 700, 705, 706, 710 ва 720 сон аудитнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ шакллантирилади. Мазкур стандартларда аудиторлик хулосасида молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиги тўғрисидаги қатъий тартибда акс эттирилиши мажбурий бўлган

фикрини баён этиш имконини беради. Мазкур хатга текширув натижалари бўйича тўпланган далиллар ҳамда уларга аудиторлик изоҳларни тўлиқ илова қилиниши мақсадга мувофиқ.

аудитор фикрини тасдиқловчи жиҳатлар аниқ белгилаб қўйилган. Амалдаги аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудиторлик хулосасида текширилган субъект молиявий ҳисоботи тўғрисида қуйидагилар акс эттирилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- Молиявий ҳисобот аудити тўғрисида аудитор фикри учун асос;
- Молиявий ҳисобот аудити натижалари бўйича хулоса;
- Аудитнинг муҳим масалалари;
- Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги;

- Молиявий ҳисобот аудити учун белгиланган муҳимлик даражаси;
- Молиявий ҳисобот аудити ҳажми (ўрганилган кўрсаткичлар ва ҳужжатлар);
- Молиявий ҳисобот аудити учун аудитор аудиторлик ташкилотининг жавобгарлик ва мажбуриятлари;
- Молиявий ҳисоботда акс эттирилган активларнинг қадрсизланиши, кредит ва молиявий рисклар даражаси;
- Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари асосида ҳўжалик юритувчи субъект фаолият узлуксизлиги тўғрисида аудитор фикрлари;
- Йиллик ҳисоботга киритилган бошқа маълумотлар ва бошқалар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрда “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тоғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарори. //lex.uz.
2. Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент - 2004. -33 б.
3. Ҳамдамов Б.Қ. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент - 2007. -33 б.
4. Хатамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент-2016. -30 б.
5. Қўзиев И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент-2017. - 70 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарларига оғтиш боғйича қоғшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. //lex.uz/досс/4746047